

Ҳажарул асваднинг янги фотосуратлари намойиш қилинди



13:00 / 06.05.2021 6653

Саудия Арабистони ҳукумати Ҳажарул асвадни мисли кўрилмаган, аниқ акс эттирилган янги фотосуратларни эълон қилди. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар беради.

Ҳажарул асваднинг фотосуратлари кўп қатламли панорамик фокусдан фойдаланадиган янги технология ёрдамида олинган. Суратларлар етти соатдан кўпроқ вақт давомида олинган ва уларни таҳрирлаш бир ҳафта давом этган.

Икки муқаддас масжиднинг бош бошқармаси Фох Стаск Панорама технологиясидан фойдаланган ҳолда Ҳажарул асвад ва Мақоми Иброҳимнинг 1050 та фотосуратини олди, бу тасвирлар ҳар хил ҳолатда ва

ёруғликда ишланиб бирлаштирган ҳолда ягона, аниқ ва юқори сифатли тасвир яратилди.

Илк марта расмийлар Ҳажарул асвадни очик ойдин ҳолда намойиш қилишди. Суратлар 3D форматида чоп этилди.

Фарангиз Очилова тайёрлади